ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

ШНҚ 2.09.10-22 «ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ САҚЛАШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИНИНГ БИНОЛАРИ ВА ХОНАЛАРИ» ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 28 декабрда ҳисобга олинди, ҳисоб рақами 129]

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига мувофиқ буюраман:

1. ШНҚ 2.09.10-22 «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарининг бинолари ва хоналари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг 2008 йил 19 февралдаги 10-сон буйруғи билан тасдиқланган ШНҚ 2.09.10-07 «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш учун бинолар ва хоналар» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан келишилган.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир Б. ЗАКИРОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 25 ноябрь,
212-сон
Келишилди:

Қишлоқ хўжалиги вазири А. ВОИТОВ

2022 йил 24 ноябрь

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи Б. ЮСУПАЛИЕВ

2022 йил 15 октябрь

Ўзбекистон Республикаси қурилиш
вазирининг 2022 йил 25 ноябрдаги 212-
сон буйруғига
ИЛОВА

ШНҚ 2.09.10-22 «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарининг бинолари ва хоналари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари

Мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (бундан буён матнда ШНҚ деб юритилади) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарининг бинолари ва хоналарини (бундан буён матнда бино ва хоналар деб юритилади) лойиҳалаш, қуриш ҳамда мавжудларини реконструкция қилишга оид талабларни белгилайди.

1-боб. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар

1. Ушбу ШНҚда қуйидаги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар келтирилган:

ШНҚ 2.01.02-04 «Бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги»;

ШНҚ 2.01.05-19 «Табиий ва сунъий ёритгичлар»;

ШНҚ 2.01.19-22 «Портлаб-ёниш ва ёнғин хавфи бўлган хоналар, бино ва иншоотлар ҳамда ташқи қурилмалар тоифаларини аниқлаш»;

ШНҚ 2.03.10-19 «Том ва том қопламалар»;

ШНҚ 2.03.13-19 «Поллар»;

ШНҚ 2.04.01-98 «Бинонинг ички сув қувурлари ва канализацияси»;

ШНҚ 2.04.05-97* «Иситиш, шамоллатиш ва кондиционерлаш»;

ШНҚ 2.04.09-07 «Бино иншоотларда ёнғин хавфсизлиги автоматикаси»;

ҚМҚ 2.04.20-98 «Турар жой ва жамоат бинолари муҳандислик ускуналарининг алоқа, сигнализация ва диспетчерлаштириш қурилмалари»;

ШНҚ 2.07.02-22 «ШНҚ 2.07.02-22 «Қурилиш объектларини ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда кексалар эҳтиёжини инобатга олган ҳолда лойиҳалаштириш»;

ШНҚ 2.08.04-04* «Маъмурий бинолар»;

ШНҚ 2.09.01-19 «Қишлоқ хўжалик корхоналарининг бош режалари»;

ШНҚ 2.09.02-19 «Ишлаб чиқариш бинолари»;

ҚМҚ 2.09.03-02 «Саноат корхоналари иншоотлари»

ШНҚ 2.09.04-09 «Корхоналарнинг маъмурий ва маиший бинолари»;

ШНҚ 2.09.12-09 «Омбор бинолари»;

ҚМҚ 2.09.15-97 «Музлаткичлар»;

ШНҚ 2.09.21-22 «Ёнғин-қутқарув деполари ва постлари»;

O’z DST 950:2011 «Ичимлик суви. Гигиеник талаблар ва сифатни назорат қилиш»;

ГОСТ 12.1.005-88 «Меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизими. Ишчи зонаси ҳавосига бўлган умумий санитария-гигиеник талаблар»;

ГОСТ 27751-2014 (EN 1990:2002, ISO 2394:1998) «Қурилиш конструкциялари ва асосларининг ишончлилиги. Асосий қоидалар»;

ГОСТ 23838-89 «Корхона бинолари. Параметрлар».

ГОСТ 2572-83 «Зинапоялар, балконлар ва томларнинг пўлат тўсиқлари. Умумий техник шартлар»;

ГОСТ 21.408-2013 «Қурилиш учун лойиҳа ҳужжатлари тизими. Технологик жараёнларни автоматлаштириш бўйича ишчи ҳужжатларини тайёрлаш қоидалари»;

СанҚваН 0203-06 «Ишлаб чиқариш хоналари микроиқлимига нисбатан санитария қоидалари ва нормалари»;

СанҚваН 0350-17 «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича санитария қоидалари ва нормалари».

2-боб. Умумий қоидалар

2. Мазкур ШНҚ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарининг қуйидагилар учун бино ва хоналарни лойиҳалаш, қуриш ҳамда мавжудларини реконструкция қилишга татбиқ қилинади:

сабзавотлар, картошка, мевачилик ва узумчилик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш;

гўшт ва сут маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш;

чорва ва парранда маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш (қушхоналар);

қўй ва эчки жунларини сақлаш ва қайта ишлаш;

мўйна териларни сақлаш ва қайта ишлаш;

қоракўл териларини сақлаш ва қайта ишлаш;

мўйнали ҳайвонлар ва қуён териларни сақлаш ва қайта ишлаш;

толали экинларни (зиғир ва каноп) сақлаш ва қайта ишлаш;

мойли экинларни сақлаш ва қайта ишлаш.

Ушбу ШНҚ ветеринария-санитария утилизация цехлари ҳамда заводларининг бинолари ва хоналарини лойиҳалашда ҳам қўлланилиши мумкин.

3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини совутиб сақлаш учун бинолар ва хоналар ҚМҚ 2.09.15 га мувофиқ лойиҳалаштирилиши зарур.

4. Бино ва хоналарни лойиҳалашда қуйидагилар ҳисобга олиниши лозим:

қурилиш ва фойдаланиш жараёнларининг барча босқичларида бинолар ва бино элементлари мустаҳкамлиги, деформацияга бардошлилиги ва ҳажмий ўзгармаслигини таъминлайдиган конструктив тизимлар;

иқтисодий жиҳатдан мақбул конструктив ечимлар;

бир майдонда жойлашган бинолар учун қурилиш материаллари ва буюмларини танлашда объектларни бирхиллаштириш (унификация қилиш) имкониятлари.

5. Бино ва хоналарни лойиҳалашда:

бино ва хоналарнинг портлаш, портлаш-ёнғин ва ёнғин хавфлилиги тоифалари ШНҚ 2.01.19 бўйича аниқланиши;

ШНҚ 2.09.21 га мувофиқ ёнғин-қутқарув постларини назарда тутилиши;

маҳсулот ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлайдиган замонавий илғор технологиялар татбиқ қилиниши;

ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш назарда тутилиши лозим.

6. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш учун бинолар ва хоналарнинг умумий майдони ШНҚ 2.09.02 га мувофиқ ҳисобланади.

7. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида маъмурий, маиший ва ёрдамчи бино (хона)лар ШНҚ 2.08.04 ва ШНҚ 2.09.04 га мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

8. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш учун йилнинг фақат илиқ пайтида (мавсумий) фойдаланиладиган бинолларда ишловчилар учун (кетма-кет ишловчи сменалардаги ҳар бир ишловчига иккитадан илгак ҳисобида) кўча ва иш кийимларини очиқ жавонларда сақлаш учун гардероблар кўзда тутилади.

9. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида тоннел, галерея, эстакада, канал, бункер, майдонча каби иншоотлар ҚМҚ 2.09.03 га мувофиқ лойиҳалаштирилади.

10. Ускуналарнинг паспортлари, кузатув техник ҳужжатлари ҳамда лойиҳанинг технологик ечимларига мувофиқ бино ва хоналардан ташқарида ўрнатилиши мумкин бўлган технологик, энергетика ва санитария-техника ускуналарни жойлаштириш учун очиқ майдончалар назарда тутилиши мумкин.

11. Атмосфера ёғингарчиликлари, шамол ва чангнинг нохуш таъсири сабабли очиқ майдончада жойлаштириб бўлмайдиган, шунингдек муайян ҳароратни тутиб туришни ва

доимий хизмат кўрсатувчи ходимлар бўлишини талаб қилмайдиган ускуналарни жойлаштириш учун айвонлар ёки иситилмайдиган бинолар лойиҳалаштирилиши мумкин.

12. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш учун бинолар ва иншоотлар ГОСТ 27751 га мувофиқ қурилиш конструкциялари ва заминларининг ишончлилиги бўйича II масъуллик даражасига эга.

13. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланиш назарда тутилганда, ушбу корхонанинг бино ва хоналарини лойиҳалашда ШНҚ 2.07.02 талабларига риоя этилиши лозим.

14. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш учун бинолар ва иншоотлардан турар жой зоналаригача бўлган санитария масофалари СанҚваН 0350-17 га мувофиқ бўлиши лозим.

15. Бино ва хоналарда ШНҚ 2.04.09 ва ҚМҚ 2.04.20 га мувофиқ телекоммуникация алоқаси, радиолаштириш, ёнғиндан хабар бериш, ёнғин ва қўриқлаш автоматик сигнализациялари назарда тутилиши керак.

16. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарининг бош режалари ШНҚ 2.09.01 га мувофиқ лойиҳалаштирилиши зарур.

17. Бош режаларни лойиҳалашда:

цехлар, бинолар ва иншоотларнинг функционал-технологик жиҳатдан ўзаро алоқалари;

ҳудуднинг зоналаштирилиши ва корхона ичидаги транспорт тизимини, юклар ва одамлар оқимларининг ташкил этилиши;

майдончанинг табиий, геологик, гидрогеологик, сейсмик шарт-шароитлари ҳисобга олиниши лозим.

18. Кўкаламзорлаштириш участкалари майдони корхона ҳудуди майдонининг камида 15 фоизини ташкил қилиши керак.

3-боб. Ҳажмли-режалаштириш ва конструктив ечимлар

19. Бино ва хоналарнинг лойиҳаларида ҳажмли-режалаштириш ечимлари лойиҳалаштириш топшириғига мувофиқ, қоида тариқасида, бир қаватли, чордоқсиз, режада тўғри бурчакли, бир хил кенгликда ва баландликда ҳамда параллел оралиқлар билан қабул қилиниши керак.

Кўп қаватли биноларни ҳудуд майдони чекланган, рельефи кескин нотекис бўлган ер участкаларида, шунингдек бундай биноларнинг бир қаватли биноларга нисбатан техник-иқтисодий афзалликлари бўлганида, уларни ШНҚ 2.01.02, ШНҚ 2.01.19, ШНҚ 2.04.09 ва ШНҚ 2.09.01 талабларини инобатга олган ҳолда лойиҳалаштиришга йўл қўйилади.

20. Бино ва хоналарни лойиҳалашда уларнинг параметрлари ва геометрик ўлчами схемалари ГОСТ 23838 талабларига мувофиқ бўлиши лозим. Бир йўналишдаги қўшни оралиқлар ўртасидаги баландлик фарқи 6 m лик модулга баробар қилиб қабул қилиниши керак.

21. Бино ва хоналарнинг баландлиги жиҳозларнинг ўлчамларидан ёки сақланадиган маҳсулотларнинг рухсат этилган энг юқори баландлигидан келиб чиқиб қабул қилиниши лозим. Сақлаш талаблари бир хил бўлган ҳар хил турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун бинолар бирхиллаштирилган баландликда лойиҳалаш керак.

22. Хоналарнинг шифтлари орқали ўтказилган жиҳозлар ва коммуникацияларнинг пастки қисмидан полгача бўлган баландлиги одамлар мунтазам ўтадиган жойларда 2 m дан ва одамлар кам ўтадиган жойларда эса 1,8 m дан кам бўлмаслиги керак. Технологик ускуналардан шифтгача бўлган энг кичик масофа 0,4 m дан кам бўлмаслиги керак.

23. Биноларда хоналарнинг ҳажми энг катта (энг кўп ходим ишлайдиган) сменада ишловчиларнинг бир нафарига 13 m^3 дан, пол майдони эса 4 m^2 дан кам бўлмаслиги керак.

24. Биноларнинг оловга бардошлилиги, қаватлардаги ёнғинга чидамли деворлар оралиғидаги майдони ва қаватлар сони, шунингдек одамларни эвакуация қилиш ва

бинолардан тутунни олиб чиқиш ШНҚ 2.01.02 га ва қуйидаги 1-жадвалга мувофиқ лойиҳаланиши керак.

1-жадвал

Ишлаб чиқариш тоифаси	Ўтга чидамлилик даражаси	Хонанинг қарама-қарши деворлари ўртасидаги майдон
А Б В	II III IV V	Чекланмайди 3000 1000 600
Д	II III IV V	Чекланмайди 5200 3500 1000

Изоҳ: V даражали ёнғинга чидамли биноларнинг ёнғинга қарши деворлари ўртасидаги полнинг жадвалда кўрсатилган майдонини В тоифали (ШНҚ 2.01.19 бўйича) ишлаб чиқариш технология талаблари бўйича 1000 м^2 гача кўпайтиришга йўл қўйилади.

25. Биноларни, қоидага кўра, йиғма юк кўтарувчи ва тўсувчи конструкцияларни, шунингдек маҳаллий қурилиш материалларидан (ғишт, табиий тош ва б.) тайёрланган конструкциялар ва маҳсулотларни қўллаган ҳолда каркасли қилиб лойиҳалаштириш керак.

Озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш хоналарида қурилиш конструкцияларини пардозлаш ва ҳимоялаш қопламалари Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 8 майдаги 386-сон қарори билан тасдиқланган Ихтисослаштирилган сўйиш корхоналари учун ветеринария, ветеринария-санитария норма ва қоидалари ҳамда Ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш бўйича ветеринария, ветеринария-санитария норма ва қоидалари талабларига мувофиқ бўлиши керак.

26. Ҳўл ёки нам режимли биноларда шамоллатилмайдиган томёпмалар уларнинг буғни йўқотувчи қурилмаси йиллик эксплуатация даврида конструкцияларда намликнинг тўпланишини истисно қилган тақдирдагина қўлланиши мумкин.

27. Кенглиги 72 m дан ортиқ бўлган, иситиладиган бинолар томларини лойиҳалаштиришда ШНҚ 2.03.10 га мувофиқ ёғингарчилик сувлари оқиб кетадиган ички қувурлар назарда тутилиши лозим. Бир қаватли бинолар сув оқиб кетадиган ички қувурларсиз лойиҳалаштирилиши мумкин.

28. Бино ва хоналарнинг полларини уларда сақланадиган маҳсулотлар вазни, механик ва бошқа таъсирлар турлари ва интенсивлигини ҳисобга олган ҳолда ШНҚ 2.03.13 га мувофиқ лойиҳалаштириш керак.

Картошка, сабзавот ва мевалар контейнерларда ҳамда тўкилган ҳолда сақланадиган омборлардаги ўтиш жойларида асфальт-бетонли ва бетонли поллар лойиҳалаштирилади.

Озиқ-овқат (картошка, сабзавот, мева, чорвачилик ва паррандачилик) маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш биноларида пол ва шифтлар бўшлиқсиз бўлиши керак. Бундай бинолардаги хоналарнинг пол қопламалари учун қатронлар ва қатронли мастикалардан ҳамда пластмассалардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

29. Биноларнинг дарвозалари икки табақали, суриб очиладиган ёки шторли бўлиши лозим.

Одамларни эвакуация қилиш учун автомобиль транспорти ўтадиган дарвозаларда остонасиз ёки баландлиги 0,1 m дан ошмайдиган бўсағали, бинодан чиқиш йўналиши бўйича очиладиган эшиклар ўрнатилади.

Рельссиз транспортни ўтказиш учун дарвозаларнинг ўлчамлари юк ташувчи транспорт воситаларининг габарит ўлчамларидан баландлиги бўйича 0,2 m ва кенглиги бўйича 0,6 m га ортиқ бўлиши керак.

30. Биноларда кемирувчиларга қарши курашни таъминлаш мақсадида:

кемирувчилар шикаст етказмайдиган материаллардан бўшлиқларсиз тўсиқлар, бўшлиқларсиз ташқи эшиклар, дарвозалар ва поллардаги люк қопқоқлар;

дераза ва фрамугаларнинг очиладиган жойларида олиб-қўйиладиган тўрларни маҳкамлаш учун қурилмалар;

пол сатҳидан 0,5 m баландликда жойлашган деворлар ва ҳаво каналларидаги шамоллатиш тешикларни тўсиш учун руҳланган пўлат тўрли тўсиқлар (12x12 mm ли тешикли) назарда тутилиши керак.

31. Картошка ва сабзавот омборлари, шунингдек сақланадиган маҳсулотни биноларнинг ташқи деворларидан ажратадиган тўсиқлар (ҳаво бўшлиғини яратиш учун) ёки бинони секцияларга ажратувчи тўсиқлар (маҳсулотни сақлаш технологияси талабларига мувофиқ) техник матоли, плёнкали, асбест цементли листлар ва экструзион панелли, сувга чидамли фанерли ёки тахтали қопламали синчли қилиб лойиҳалаш лозим.

Техник матолар, плёнкалар ва бошқа ўрамли материаллардан тўсиқларни лойиҳалашда маҳсулотларни юклаш ва тушириш кетма-кетлиги кўрсатилиши зарур.

32. Меваларни сақлаш учун газ муҳити бошқариладиган хона (камера)ларнинг ўраб турувчи конструкциялари (деворлар, қопламалар, шифтлар, поллар ва деворлардаги очиқ жойларнинг тўлдирилиши) ички томонидан газ ўтказмайдиган қопламали бўлиши керак.

Хона (камера)лар деворларидаги очиқ жойларни тўлдирувчи эшик ва деразаларнинг притворлари ва фальцлари зичловчи қистирмалар билан таъминланиши лозим.

33. Биноларнинг тўсувчи конструкцияларининг ички юзалари қуйидаги 2-жадвалга мувофиқ пардозланиши лозим.

2-жадвал

Тавсияланган пардоз тури	**Хоналар номи**
Девор панеллари, ғиштли деворлар, тўсиқлар, колонналар юзаси полдан 1,8 m баландликкача сопол плиткалар билан қопланади. Қопламанинг тепаси — ғиштли деворлар ва тўсиқлар яхши сувоқли, оҳакли бўёқ билан бўялади. Шифтларнинг чоклари сувалади ва шифтлар оҳакли бўёқ билан оқланади.	Технологик жиҳатдан ҳароратли-намли меъёрланган ишлаб чиқариш цехлари, лабораториялар
Панеллар чоклари сувалади. Ғиштли деворлар ва тўсиқлар сувалади ва оҳак билан бўялади. Шифт чоклари сувалади, шифт оҳак билан оқланади.	Хом ашё ва тайёр маҳсулот омборлари, трансформатор подстанциялари, механик устахоналар
Деворлар, тўсиқлар ва шифтлар чоклари сувалади ва оҳак билан оқланади.	Сақлаш камераси, моддий омборлар, вентиляция камералари, иссиқлик пунктлари, насос, юк транспорт даҳлизлари, идиш цехлари, экспедициялар, тайёр маҳсулот омборлари
Девор панеллари чоклари, ғишт деворлар ва тўсиқлар яхшилаб сувалади. 1,8 m баландликда мой бўёқда бўялган панель билан қопланади. Шифтлар чоклари сувалади. Деворлар ва шифтлар елимли бўёқ билан бўялади.	Товарни ишлаш цехи, даҳлизлар, зинапоялар, цех лабораториялари ва идоралари, навбатчи слесарлар хоналари, шчитли назорат-ўлчов ускуналари жойлашган хоналар
Девор панеллари чоклари, ғишт деворлар ва тўсиқлар яхшилаб сувалади, гипсбетонли тўсиқлар оҳакли-алебастрли эритма билан сувалади. Деворлар сувли-эмульсияли бўёқ билан бўялади. Шифтлар елимли бўёқ билан оқланади.	Маъмурий хоналар, вестибюллар, холлар, мажлис заллари, жамоат ташкилотлари хоналари

34. Корнизнинг юқори қисмига қадар баландлиги 10 m дан ортиқ бўлган бинолар ташқи деворларининг периметри бўйлаб томларда ёнғинга чидамли материаллардан камида 0,6 m баландликдаги парапетлар назарда тутилиши зарур. Ёғингарчилик сувлари оқиб кетадиган ички қувурлари бўлмаган биноларда бундай парапетлар панжарали бўлиши керак.

Ишлатиладиган томлардаги панжарали тўсиқлар ГОСТ 2572 га мувофиқ балконларники каби, камида 1,1 m баландликда лойиҳалаштирилиши лозим.

35. Корнизнинг юқори қисмига қадар баландлиги 10 m дан ортиқ бўлган бинолар учун 0,6 m кенгликда ташқи пўлат вертикал ёнғинга қарши зиналарни назарда тутиш керак. Бинолар периметри бўйлаб зиналар орасидаги масофа 200 m дан ошмаслиги зарур. Ёнғин зиналари ердан 1,5 m баландликда бошланиши, тепада тутқичли майдонча билан тугалланиши керак.

36. Юк платформа (пандус)лари, ўтиш ҳамда транспорт воситалари учун кириш пандуслари қиялиги ШНҚ 2.09.02 ва ШНҚ 2.09.12 га ҳамда транспорт воситаларининг техник тавсифларига мувофиқ лойиҳалаштирилиши керак.

37. Бино ва хоналарни лойиҳалаштиришда қуйидагиларни ҳисобга олиш керак:

а) конструкцияга босим:

тўкилган картошка, сабзавот ва меваларнинг зичлиги — технологик лойиҳаларга мувофиқ белгиланади;

тўкилган ҳолда сақланадиган бошқа турдаги маҳсулотлар босими — тўкиладиган жинслардан тушадиган босим каби қабул қилинади;

б) ортиқча юк коэффициенти:

пиёздан — 1,2;

бошқа турдаги маҳсулотлардан — 1,1;

в) тўкилган ҳолда сақланадиган маҳсулотлар учун ички ишқаланишнинг ҳисобий бурчаги қуйидагича қабул қилинади:

карам — 44°;

сабзи — 41°;

картошка ва пиёз, озиқ-овқат ва илдизли озуқа навли экинлар, қанд лавлаги — 38°;

данакли мевалар — 20°;

г) тўкилган ҳолда сақланадиган маҳсулотлар учун ички ишқаланишнинг ҳисобий коэффициенти:

картошка, сабзавот ва карам учун бетон, рандаланмаган тахта устидан тўкилганда — 0,6;

рандаланган тахта, хризотилцемент, фанера, пўлат листлар устидан тўкилганда — 0,4;

руҳланган пўлат ёки полиэтилен плёнка устидан тўкилганда — 0,1;

барча навли пиёз ва данакли мевалари учун — 0,3.

38. Омборларнинг маҳсулотлар тўкилган ҳолда сақланадиган жойларидаги юк кўтарувчи тўсиқли конструкцияларида техник матолар ва плёнкалар қўлланилганда, улардаги картошка ва сабзаватларнинг ишқаланиш коэффициенти нолга тенг деб қабул қилинади. Бунда, бошқа барча турдаги маҳсулотларнинг ишқаланиш коэффициенти 0,3 га тенг деб қабул қилинади.

4-боб. Сув таъминоти ва канализация

39. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш учун бинолар ва хоналарнинг ички сув таъминоти ва канализация тизимлари ШНҚ 2.04.01 га ҳамда ушбу боб талабларига мувофиқ лойиҳалаштирилиши лозим.

40. Озиқ-овқат маҳсулотларини (картошка, сабзавот, мева, чорвачилик ва паррандачилик маҳсулотлари ва б.) қайта ишлаш, шунингдек ўсимлик толасини (каноп, зиғир ва б.) ҳўллаб қайта ишлаш мақсадлари учун бино (хона)лар O’z DST 950:2011 талабларига жавоб берадиган ичимлик суви, шунингдек такроран ишлатиладиган ва техник сув таъминоти тизими жиҳозланиши керак.

41. Бино ва хоналарни етарли даражада ичимлик суви билан таъминлаш имкони бўлмаганда, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари учун сув таъминоти технологик талабларига мувофиқ қабул қилинади.

42. Сунъий совутилмайдиган ва намли ишлов бериладиган картошка ва сабзавотларни сақлаш учун биноларда сув таъминоти тизимини назарда тутиш талаб этилмайди.

43. Такроран ишлатиладиган, техник ва ичимлик суви таъминоти тизимлари алоҳида бўлиши ва қувурлари фарқли рангларда бўялиши лозим.

44. Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун сув сарфи ва босими (суткалик, соатлик, дақиқалик) ҳамда соатлик нотекис истеъмоли коэффициенти технологик лойиҳа ечимларига биноан белгиланади.

45. Биноларининг ички сув таъминоти тармоқларида қувурларни бўшатиш учун қурилмалар назарда тутилиши лозим.

46. Бино ва хоналарда ички канализация тармоқлари оқова сувларнинг ифлосланишига қараб қуйидагича алоҳида-алоҳида лойиҳаланиши керак:

ишлаб чиқаришга доир мойсиз ифлосланган оқова сувлар учун;

маиший оқова сувлар учун;

ёғингарчилик сувлари учун.

Озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш биноларининг ишлаб чиқариш хоналарига ўрнатилган қўлювгичлар сувлари канализацияга тушириб юборилиши мумкин.

47. Озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш учун хоналарнинг шифти остидан (ёпиқ ва очиқ ҳолда) ҳамда пол устидан ички канализация тармоқларини ўтказишга йўл қўйилмайди.

48. Сув таъминоти билан жиҳозланган биноларда:

пол ва ускуналарни ювиш учун ҳаракат радиуси 30 m бўлган кранлар;

иссиқ ва совуқ сувга уланган қўлювгичлар;

пол сатҳининг ҳар 150 m^2 майдони учун диаметри 100 mm ли битта трап;

оқова сувларни трапларга оқизиб юбориш учун полларда нишаблик ва 10 — 15 cm кенгликдаги очиқ новлар назарда тутилиши керак.

49. Ишлаб чиқариш оқова сувларини ташқи канализация тармоқларига чиқаришдан олдин тозалаш учун бинолардан ташқарида қуйидаги махсус қурилмаларни назарда тутиш керак:

қум тутқичлар ва тиндиргичлар — картошка ва сабзавотларни ювишдан чиқадиган лойқа оқова сувлар учун;

ёғ тутқичлар — чорвачилик ва паррандачилик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг ёғи бўлган оқова сувлар учун;

крахмал тутқичлар — картошкани қайта ишлаш корхоналарининг крахмалли оқова сувлар учун.

Қум тутқичларни лойиҳалашда тушаётган қум миқдори ювиладиган 1,0 т картошка ёки сабзавот ҳисобидан 0,03 $м^3$ миқдорида қабул қилинади.

50. Бино ва хоналардаги ишлаб чиқариш оқова сувларининг таркиби технологик лойиҳа ечимларида ёки лойиҳалаштириш топшириғида белгиланади.

51. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашдан ҳосил бўладиган концентратланган эритмалар ва чиқиндиларнинг канализацияга тўғридан-тўғри чиқариб юборилишига йўл қўйилмайди.

Ушбу эритмалар ва чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш технологик лойиҳа ечимларида назарда тутилиши керак.

52. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг мавсумий бинолари канализацияси лойиҳаларида корхона ишини тугатганидан кейин канализация тармоғи қувурлари, асбоблари ва ускуналари оқова сувдан бўшатилиши назарда тутилиши лозим.

5-боб. Иситиш, шамоллатиш ва кондиционерлаш

53. Бинолар ва хоналардаги иситиш, шамоллатиш ва кондиционерлаш тизимлари ШНҚ 2.04.05, СанҚваН 0203-06 ва ГОСТ 12.1.005 талабларига мувофиқ лойиҳалаштирилиши керак.

54. Бинолар ва хоналарни иссиқлик билан таъминлаш учун марказлашган қозонхоналардан фойдаланиш керак.

Технологик имкониятлар мавжуд бўлганда ҳамда иқтисодий жиҳатдан мақбуллиги таъминланганда алтернатив манбалардан (электр иситиш ускуналари, иссиқлик генераторлари, қуёш коллекторлари ва ш.к.) фойдаланишга йўл қўйилади.

55. Иситиш ва шамоллатиш тизимларини лойиҳалаш учун ички ҳавонинг ҳисобий параметрлари (ҳарорат, нисбий намлик, ҳаракат тезлиги) технологик лойиҳалар ҳамда ГОСТ 12.1.005 га мувофиқ қабул қилиниши керак.

56. Фақат куз ва баҳор ойларида (мавсумий корхоналарда) ишлатиладиган бино ва хоналарни иситиш ҳамда шамоллатиш тизимларини лойиҳалашда йилнинг энг совуқ давридаги ташқи ҳавонинг ҳисобий ҳарорати иситиш учун 0,5º га, шамоллатиш учун эса ушбу даврдаги ташқи ҳаво ҳарорати кунлик тебранишларининг максимал амплитудаси 0,4º га пасайтириб қабул қилинади.

57. Бинолар ва хоналарда иссиқлик йўқотишлари маҳсулотларнинг иссиқлик чиқариши ҳисобига қопланмайдиган бўлса, уларни ҳаво орқали иситишни назарда тутиш керак.

58. Озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш бинолари ва хоналарида иситиш мосламалари сифатида силлиқ юзали радиаторлардан фойдаланиш лозим. Ушбу радиаторлар тозалаш учун қулай бўлган очиқ жойларда ўрнатилиши керак.

59. Хоналарда белгиланган метеорологик шароитлар ва ҳавонинг тозалигини хоналарни шамоллатиш, шу жумладан буғлантириш йўли билан ҳавони совутиш ёрдамида таъминлаш имкони бўлмаганда, шунингдек маҳсулотларни сақлаш технологияси талаблари ва иқтисодий самарадорлигидан келиб чиқиб ҳавони кондиционерлаш тизимлари қўлланилиши мумкин.

60. Биноларнинг иссиқ сув таъминоти ҚМҚ 2.04.01 га мувофиқ лойиҳалаштирилади. Иссиқ сув ҳарорати ва харажати технологик лойиҳалар асосида қабул қилинади.

61. Бинолар лойиҳаларида иккиламчи ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш даражасини ошириш бўйича чоралар кўрилиши керак. Бунда, технологик агрегатларда иссиқликни қайта тиклаш усулидан максимал даражада фойдаланиш, шунингдек потенциали паст бўлган иссиқликни иссиқлик насослари ёрдамида йўқотишни назарда тутиш лозим.

6-боб. Электр таъминоти, электр ускуналари ва электр билан ёритиш

62. Бинолар ва хоналарнинг электр таъминоти ҳамда бинолар ва иншоотларни яшиндан ҳимоялаш «Электр ускуналарининг тузилиши қоидалари»нинг (2004 йил 27 февраль, 20-15-62/24-сон), III (2005 йил 12 октябрь, 20-15-206/22-сон), IV (2006 йил 2 ноябрь, 20-15-232/11-сон), VI ва VII (2006 йил 18 июль, 20-15-143/14-сон) бўлимларига мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

63. Бинолар ва хоналарнинг электр қабул қилгичлари электр таъминоти ишончлилиги жиҳатдан «Электр ускуналарининг тузилиши қоидалари»га мувофиқ (2004 йил 27 февраль, 20-15-62/24-сон) III тоифага мансуб бўлиши лозим.

Енгил металл конструкцияли омборлар ва герметик идишдаги консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш хоналарининг электр қабул қилгичлари электр таъминоти ишончлилиги жиҳатдан II тоифага, ёнғинга қарши қурилмаларнинг электр қабул қилгичлари эса I тоифага мансуб бўлади.

64. Максимал юкланганида трансформаторлар қувватини ҳисоблашдаги талаб коэффициенти 0,6-0,7 га тенг қилиб олинади.

65. Бинолар ва хоналарда электр энергияси истеъмолчилари эҳтиёжини ҳисоблашда қуйидагича талаб коэффициентлари қўлланилади:

технологик ускуналар — 0,4-0,5;

компрессорлар, насослар — 0,65-0,7;

сантехника вентиляторлари — 0,7;

зарядлаш агрегатлари — 0,8;

иситиш элементлари — 0,85.

66. Омборларнинг сақлаш хоналари уларда одамнинг қамалиб қолиши ҳолатларининг олдини олиш учун хавфсизлик сигнализацияси билан жиҳозланиши керак.

Хона (камера, секция) ларнинг юк даҳлизига чиқадиган ташқи деворида ичкаридан уланадиган ёруғликли (қизил чироқли) ва товушли авария сигнализацияси ўрнатилади.

67. Бино ва хоналарда ёритиш тизимлари ШНҚ 2.01.05 га мувофиқ лойиҳалаштирилади.

68. Ёпиладиган омборхона (камера, секция)ларнинг ичида ўчиргичлар бўлишидан қатъи назар ёритиш тармоқларини ташқаридан ўчириш имконияти бўлиши лозим. Ўчиргичлар пломбалаш мосламаси бўлган ёнмайдиган қутида ўрнатилиши керак.

69. Асбоб-ускуналарнинг барча металл қисмлари кучланиш остида бўлмаган нормал ҳолатда «Электр ускуналарининг тузилиши қоидалари»нинг (2006 йил 18 июль, 20-15-143/14-сон) V-бўлимига мувофиқ ерга улаш шинаси орқали ерга уланган (нулланган) бўлиши лозим.

70. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бинолари ва иншоотларини яшиндан ҳимоялаш «Электр ускуналарининг тузилиши қоидалари»нинг (2006 йил 2 ноябрь, 20-15-232/11-сон) IV-бўлимига мувофиқ назарда тутилиши лозим.

7-боб. Автоматлаштириш. Умумий талаблар

71. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш технологик талаблар, шунингдек лойиҳада қабул қилинган назорат-ўлчов ва автоматика ускуналарни ҳисобга олган ҳолда ҚМҚ 2.02.20, «Электр ускуналарининг тузилиши қоидалари»нинг (2005 йил 12 октябрь, 20-15-206/22-сон) III-бўлими ҳамда ГОСТ 21.408 талабларига мувофиқ лойиҳаланиши керак.

72. Назорат-ўлчов ва автоматика ускуналари билан комплектда етказиб бериладиган агрегат, машина ва қурилмалар фақат алоҳида участкаларни автоматлаштириш учун қўлланиши мумкин.

73. Автоматлаштириш воситалари (автоматик бошқариш, ёнғин сигнализацияси назорати, ускуналар ҳимояси, блоклаш ва масофадан бошқариш) қуйидагиларни таъминлаши керак:

белгиланган сақлаш режимларини ушлаб туришни;

қурилмаларнинг ишлаш ишончлилигини оширишни;

ёнғинни аниқлашни, ёнғин пайтида вентиляцияни ўчиришни, тутун чиқариш тизимларини ишга туширишни;

иш режимлари назоратини;

хизмат кўрсатувчи ходимлар сонини камайтиришни;

электр энергияси ва иссиқликни тежашни.